

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланши 1-бетда).

миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш;

г) сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши доирасида:

сейсмология соҳасида **илм-фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш** фаолиятини тартибга солиш;

республика ҳудудида қурилаётган **бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш** тизимини такомиллаштириш.

3. Куйдагилар:

Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъуляти юклатилсин;

Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идораларо **илмий-техник кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) давлат органлари томонидан Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг сифати ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилаётган **хавфлилик омили IV тоифага** мансуб бўлган объектларга **зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби** буюриб этилади.

Бунда Қурилиш вазирлиги экспертизадан ўтказилган хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини илмий хулосалар олишга йўналтиришга, Фанлар академияси объектларга **зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар беришга** масъул этиб белгилансин.

Фанлар академияси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг сейсмик фаол зоналарида қурилиш режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага** мансуб бўлган **бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартибининг жорий этиш тўғрисида** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Фанлар академияси томонидан **Республиканинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларини ягона интеграциялашган платформасидаги маълумотлар асосида сейсмик заиф иқтисодий соҳа объектларининг рўйхатини** ҳар йили 1 апрелга қадар шакллантириб бориш ҳамда **инструментал-техник текширувдан ўтказиш** ишларини **Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ташкиллаштириш** амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда инструментал-техник текширув ишлари учун маблағлар **Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан қопланиши белгилансин;

в) **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** республика ҳудудидаги кўп квартирали уй-жойларни йиллар кесимида **зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади ва хатлов натижасига кўра** эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган **сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойлар** ўрнида **босқичма-босқич** янги уй-жойлар қуриш бўйича тақлифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киришиб борилади.

Бунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўп квартирали уй-жойларни **зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи** этиб белгилансин;

г) **2023 йил 1 майдан бошлаб** сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий **космик мониторинг** қилиш тизими йўлга қўйилиб, мазкур йўналишдаги масъул давлат органлари **космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаб борилади**.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги мазкур тизимни йўлга қўйиш учун **масъул давлат органи** этиб белгилансин.

5. Фанлар академияси:

2022 йил 1 июлга қадар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мутахассислар ҳамда илмий доира вакилларини кенг жалб қилган ҳолда **Сейсмик хатари камайтириш дастурини** ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022 йил 1 августга қадар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаси муаммоларининг илмий ечимига қаратилган тақлифларни (тематик мавзуларни) шакллантириб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этсин;

2023 йил 1 февралга қадар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети олимлари билан ҳамкорликда ривожланган давлатларда қўлланилаётган **макросейсмик шкалаларни ўрганиб чиқиб, “СМС-22” миллий макросейсмик шкалани** ишлаб чиқсин;

2022 – 2025 йиллар давомида Андижон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қарши, Термиз, Нукус, Урганч шаҳарларининг рақамлаштирилган сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарини ишлаб чиқсин.

6. **2023 йил 1 апрелдан бошлаб** сув омборлари тўғонларида сейсмик хавфни олдиндан прогноз қилиш ва баҳолаш амалиёти-ни жорий қилиш мақсадида:

космик мониторинг доирасида **симуляцион дастур** орқали **зилзила натижасида тўғон ўпирилиши оқибатида** сув босими мумкин бўлган республика ҳудудларининг визуал **3D моделларини ишлаб чиқиш** амалиёти йўлга қўйилсин;

сув омборлари тўғонлари ўпирилиши оқибатида **қўтқарув ишларини ташкиллаштиришда** тегишли вазирлик ва идораларни зарур космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаш тизимини жорий этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Фанлар академияси, Фавкуллда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2023 йил 1 февралга қадар** мазкур амалиёт ва тизим ишга туширилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, 2023 йилдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган **серияли қурилиш режалаштирилган ёки танлаб олинган** бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартараф этиш мақсадида **вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида** синов ва текширув ўтказиб борилади.

Бунда синов ва текширувлар қурилиш ишларига масъул бўлган **бюрортмачи ташкилотлар томонидан** ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

8. Қурилиш вазирлиги **2022 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон шариоитида сўнгги замонавий усуллари ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда **“Кўп қаватли биноларни лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қондаларини** илмий-тадқиқот ва тажриба-синов натижалари асосида ишлаб чиқиш жараёни бўйича Кенгашга ахборот киритсин.

9. Транспорт вазирлиги:

а) **2022 йил 1 декабрга қадар**: республикадаги барча сунъий иншоотларни (кўприклар, тоннеллар, эстакадалар, темир йўл кўприклари ва бошқалар) хатловдан ўтказсин ва унинг натижаларини умумлаштириб, **ягона рақамлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этсин**; аниқланган эгасиз сунъий иншоотларни **идоравий мансублиги бўйича** бириктириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

б) **2023 йил 1 мартга қадар** республикадаги барча мавжуд сунъий иншоотларнинг **зилзилабардошлиги** бўйича **электрон техник паспортларни шакллантирсин** ҳамда уларнинг Республика-нинг сейсмик фаол зоналарида жойлашган бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасига киритилишини таъминласин.

10. Сув ҳўжалиги вазирлиги ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ:

2022 йил 1 августга қадар биринчи босқичда **2022-2023 йилларда I ва II синфга кирувчи 32 та**, иккинчи босқичда **2024-2025 йилларда III ва IV синфга кирувчи 26 та сув омборларида сейсмологик кузатувларни** олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналар харидини амалга ошириш бўйича асосланган тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фавкуллда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** тасарруфидagi тоифаланган **сув омборлари** ва гидротехника иншоотларининг **зилзилабардошлик бўйича экспертизаси экспресс услубиёт асосида ўтказилишини таъминласин**.

11. **2022 йил 1 августга қадар** Сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппаратда мавжуд штат бирликлари доирасида сейсмологик кузатувни доимий ташкиллаштириш бўйича **мутахассис лавозими** жорий этилсин;

Сув ҳўжалиги вазирлиги мазкур штат бирлигига соҳа бўйича

тажрибага эга бўлган мутахассис кадрни тайинлаш чорасини кўрсин.

12. Куйдагилар:

а) Кенгаш томонидан тасдиқланган режа-график асосида Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги **сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш** бўйича харajatлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари сув омборларида сейсмологик кузатувларни ўтказиш учун маблағларни **ўз вақтида ажратиб борилишини таъминласин**;

б) Фанлар академияси ва Фавкуллда вазиятлар вазирлиги Сув ҳўжалиги вазирлигининг бююртмасига асосан **сейсмологик кузатувларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминласин**.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, **2023 йил 1 январдан бошлаб**:

а) сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат органлари раҳбар кадрлари ва ходимларини **Аҳолининг барча қатламларини зилзилага тайёрлашга мўлжалланган миллий электрон платформа** орқали малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўтказиб борилади.

Бунда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари раҳбар кадрларнинг аҳолига зилзилалар вақтида ўзини тутиш қоидаларини тушунтириш, кучли зилзилалардан талафотларсиз чиқиш ҳамда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш бўйича кўникмаларини оширишга йўналтирилади;

б) Фавкуллда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси: **ҳар уч йилда** малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиб боради;

миллий электрон платформага малака ошириш бўйича замонавий дастурларни **ишлаб чиқиб, киритади ва мунтазам равишда янгилаб боради**.

Фавкуллда вазиятлар вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга қадар миллий электрон платформанинг юритилиши** ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш тартибини тасдиқласин ва амалга киритсин.

14. Фавкуллда вазиятлар вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 августга қадар** аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг тўғри ҳаракат қилишга мустақил ўргатиш учун мўлжалланган **мобиль иловани** ишлаб чиқсин;

2023 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси аҳолисини зилзилага тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш йўналишида **малакали кадрларни тайёрлаш тизимини худудлар кесимида кенгайтириш** мақсадида:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Фарғона политехника институтида **“Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги”** таълим мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мазкур таълим мутахассислиги бўйича **қабул кўрсаткичларини 2022/2023 ўқув йили учун давлат бююртмаси параметрлигига** амалдаги квоталар доирасида киритиш чораларини кўрсин.

16. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидa **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб “Тарихий обидаларнинг сейсмик мустаҳкамлиги”** таълим мутахассислигини очиш;

2022 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидa зилзилалар кўп учрайдиган хавфли худудлар учун турли хил даражадаги **табiiй офатлар сценарийларининг замонавий компьютер моделларини ҳамда қурилган зарарларни ҳисоблаш усулларини** ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларига киритиш;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидa **“Бино ва иншоотларни замонавий компьютер дастурлари ёрдамида моделлаштириш”** фани бўйича олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун **интенсив курсларни ташкил этиш**.

17. Куйдагилар:

“Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида **грунт-ли иншоотлар** сув омборларининг тўғонлари, асос ва пойдеворларни **зилзилабардошлик бўйича замонавий рақамли ҳисоблаш усуллари ва дастурлари** (Plaxis, Ansys, Abaqus ва бошқалар) ёрда-

мда баҳолашга мўлжалланган **“Сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини баҳолаш”** ўқув-илмий лабораторияси;

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлик бўйича техник холатини баҳолаш, актив сейсмик ҳимоялаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган **“Бино ва иншоотларни сейсмик ҳимоялаш”** ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, **ўқув-илмий лабораторияларнинг штат бирликлари** “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг профессор-ўқитувчиларини **мақбуллаштириш ҳисобидан** жамланади.

Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг **асосланган тақлифларига мувофиқ ўқув-илмий лабораторияларни зарур жиҳозлар билан босқичма-босқич Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминлаш** чораларини кўрсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида соҳа ходимлари ва Кенгаш аъзоларини иборат делегацияни шакллантириб, хорижий мамлакатларга қисқа мuddатли таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, таништирув-стажировка курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харajatлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплانسин.

19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги:

2022 йил 1 декабрга қадар Фанлар академияси, Фавкуллда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда республикадаги сейсмик фаол, урта фаол ва тинч худудлар ҳамда майдонларни ўзидa мужассамлаштирган **интерактив онлайн-харитани ишлаб чиқсин**;

2023 йил 1 августга қадар сейсмик фаол зоналарда жойлашган бино ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, қўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган **радиолокацион космик мониторинг тизимини яратсин**.

20. Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти учун ажратилган ер майдонида алоҳида маъмурий ва лаборатория биносини қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни мукамал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Фанлар академияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига мазкур бандда назарда тутилган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини **2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига** киритиш бўйича тақлифларни тақдим этсин.

21. Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган **хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган лаборатория асбоб-ускуналари, ҳисоблаш техника воситалари** ҳамда бутловчи материалларни қабул қилувчи ташкилотлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви ййғимлари бундан мустасно) **3 йил мuddатга озод қилинсин**.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

23. Фанлар академияси Фавкуллда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда **кўнуччилик ҳужжатларига** ушиб Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкиллаштиришга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб фавкуллда вазиятлар вазири А.Х.Кўлдошев, қурилиш вазири Б.И.Закиров, сув ҳўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев ва Фанлар академияси президенти Б.С.Олдаршев белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин. Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар ярим йил якуллари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 30 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАЛЛИНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланши 1-бетда).

4- ва 5-синфлардаги бугдой — барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади.

Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишишган тақлиф асосида мазкур бандда назарда тутилган тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **2023 йил 1 майга қадар** Вазирлар Маҳкамасига мазкур бандда назарда тутилган тартибини 2023 йил ҳосили учун сақлаб қолиш ёки биржа савдоларини чекловларсиз ташкил этиш юзасидан тақлиф киритсин.

4. Молия вазирлиги “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналарга биржадан бугдой сотиб олиш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадида Жамғарма маблағлари ҳисобидан **800 миллиард сўмгача тижорат банкларига Марказий Банkning асосий сўвчасида** ресурс жойлаштирилишини таъминласин.

5. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта мuddатда бугдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган бугдойни харид қилиш, вақтинчалик сақлашга қабул қилиш бўйича Жамғарма ва тижорат вақили ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг олис, бориш қйин бўлган ва тоғли худудларга ун ва ун махсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошмаган қисмини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

7. Жамғарма томонидан харид қилинадиган ва биржа савдолари орқали сотиладиган бугдойнинг ҳисобини юритиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғармага қўшимча 6 та штат бирлиги ажратилсин.

8. Фаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаф-фодлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда бугдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон махсулотлари нархининг ўсиши ва тақ-чиллигининг олдини олиш бўйича **Республика штаби** ило-вага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Куйдагилар Республика штабининг (Н.Йўлдошев) асосий вазибалари этиб белгилансин:

бугдойни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини мо-лиялаштириш устидан назорат механизмини такомиллаш-тириш бўйича тақлиф тайёрлаш;

фаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш, даладан дон қабул қилиш шохобчаларига нест-нобуд қилмасдан

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
ЛОЛА МУРОДОВА



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудолликка учради.

Машҳур фермер, Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таниқли жамоат арбоби Лола Муродова оғир касалликдан сўнг шу йил 30 май кунини 64 ёшида вафот этди.

Бутун мамлакатимизнинг гуруру ва ифтихори бўлган Лола Муродова 1958 йил 9 мартда Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги "Нуробод" жамоа хўжалигида механизатор сифатида бошлади, ўз ҳаётининг мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги билан боғланди.

Ёшлик йилларидан бошлаб деҳқончилик илмини пухта ўрганган Лола Муродова жамоа хўжалигида бош пудратчи, бўлими бошлиғи, хўжалик раиси каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилиб, ишни ташкил этиш, мўл ҳосил этиштириш, хўжаликнинг самарали бошқариш соҳасида катта тажриба орттирди.

Фермерлик ҳаракати кенг йўл очилиши билан моҳир ва миришкор деҳқон мамлакатимизда биринчилардан бўлиб "Нурли обод" фермер хўжалигига асос солиди ҳамда ернинг ҳаққини эгаси сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшди.

Ўз фаолиятида доимо янгиликка интилиб, эзгу таълим билан барча фермерларга, айниқса, ёшларга ибрат бўлиб яшаган Лола Муродова Янги Ўзбекистон шарафига алоҳида жонбозлик ва ғайрат-шиқоят кўрсатиб ишлади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илгор агротехнологияларни, бошқарувиини замонавий усуллари ва самарали воситаларини қўллаш, ер ва сув ресурслари

ларидан оқилона фойдаланиш, ёш фермерлар алоқини тарбиялашда ўзига хос тажриба мактабини яратди.

Ўз фаолияти билан Ватанга муҳаббат ва садоқатнинг, касбига фидойиликнинг ҳақиқий намунасини намойён этди. Айнан ана шундай олижаноб фазилатлари билан Лола Муродова оғир касалликдан сўнг шу йил 30 май кунини 64 ёшида вафот этди.

Эл-юрт ишига умирини бағишлаган қаҳрамон фермер жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Унинг бу бордаги серқирра фаолияти ёшларни, хотин-қизларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишда яқиндан кўмак бериш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган эзгу ишларида аққол намойён бўлди.

Лола Муродова халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгаши депутаты, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам самарали иш олиб бориб, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш, амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда ҳам фаоллик кўрсатди.

Лола Муродованинг мамлакатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони, "Эл-юрт хурмати", "Фидокорона хизматлари учун" орденлари ҳамда "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли фермер, қишлоқ хўжалиги илмининг етук намояндаси, таниқли жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон, халқимизнинг фидойи фарзанди Лола Муродованинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. ГАНИЕВ, А. БОЗОРОВ, А. ХАЙИТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШИМОЛИЙ
ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШNING
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

б) очик электрон танлов ғолиби ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўловни энг кўп миқдорининг 50 фоизини тўлаган даврдан бошлаб, ушбу ер майдонларига ижара ҳуқуқини учинчи шахсга сотиши ва ушбу ҳуқуқни тижорат банкидан кредит олиш учун гаровга қўйиши мумкин;

в) шимоллий туманлардан рўйхатдан ўтиб, мазкур ер майдонларида фаолият юритадиган қишлоқ хўжалигига иқтисослашган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) ушбу фаолиятдан олиннадиган даромади бўйича айланмадан олиннадиган солиқ, шунингдек, мазкур туманлардаги қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштириш ва сақлаш мақсадида фойдаланиладиган ер участкалари ва мол-мулки бўйича юридик шахслардан олиннадиган солиқ ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;

г) Қишлоқ хўжалиги вазири талабномаларига мувофиқ фойдаланишдан чиққан сурғориладиган ерларни ўзлаштириш, сурғориладиган ерларда ер тузиш, бузилган ерларни рекултивация қилиш юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг автоматлаштирилган ер-ахборот тизимини яратиш ва янгилаб бориш ишларига Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади;

д) қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга қиритиш ҳамда заруратга кўра сурғориш тик кудугини бурғилаш ёки насос станциясини қуриш ва ишга тушириш бўйича харажатларнинг бир қисми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўзилган инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида бир марта қўллаб берилади.

Молия вазирилик Сув бўлиғи вазирилик ва Қишлоқ хўжалиги вазирилик билан биргаликда бир ой мuddатда қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ер майдонларини фойдаланишга қиритишга заруратга кўра сурғориш тик кудугини бурғилаш ёки насос станциясини қуриш ва ишга тушириш бўйича харажатларнинг бир қисмини қўллаш тартибидан ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига қиритсин;

е) қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга қиритган ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқи берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирилик, Сув хўжалиги вазирилик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик ва Кадастр агентлиги 2022-2023 йилларда ҳар бир шимоллий туман кесимида камидан 1 000 гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини электрон савдога чиқариш учун аниқласин.

Бош прокуратура электрон савдога ҳақиқатдан ҳам фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалиги ерлари қўйилмаётганлиги устидан назорат ўрнатсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Қишлоқ хўжалиги вазирилик ва Давлат активлари бондари агентлиги 2024 йил якунига қадар мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган экспериментни янада қатъийлаштириш ва уни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг алоҳида туманларида таъбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдирлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетган ҳамда янгидан ўзлаштириладиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун инвесторларга "E-AUKSION" электрон савдо платформасида очик электрон танлов асосида ижарага бериш тартибидан таъдирлансин.

6. Қўйилмаётган: 2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қишлоқ хўжалигига фойдаланишдан чиқиб кетган сурғориладиган ер майдонларини 2022 — 2024 йилларда қайта фойдаланишга қиритиш кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ таъдирлансин.

Бош вазир ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев, Ж.А.Қўчқоров икки ҳафта мuddатда:

2022 — 2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича "Ўй ҳаритаси"ни;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини манзилли рўйхатини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қишлоқ хўжалигига қайта фойдаланишга қиритиладиган ер майдонларига 2022 — 2024 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида 2022 — 2024 йилларда янги мевали боғларни барпо этиш ва мевали боғларни турлар бўйича жойлаштириш кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида 2022 — 2024 йилларда янги узумзорларни барпо этиш бўйича кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида қайта фойдаланишга қиритиладиган ер майдонларида 2022 — 2024 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини турлари бўйича етиштириш ва реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимоллий туманларида чорвачилик, паррандачилик (туячилик, йилқичилик, қурқачилик, беданачилик, тукушчилик) йўналишлари бўйича 2022 — 2024 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар кўрсаткичларини таъдирлансин.

7. Белгилансинки, сув танкис бўлган маҳаллалар (овулар)да Фермер, деҳқон хўжалигига ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жағмафрасига ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда сурғориш тик кудуқлари қазилди ёки мавжуд каналлардан сув чиқариш учун насос агрегатлари ўрнатилди.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аҳоли томорқаларидан, ижарага берилган ерлардан самарали фойдаланиш, ҳудуд иқлими ва ерларнинг ҳосилдорлигидан келиб чиққан холда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини тўғри танлаш, парваришда ҳамда махсулот етиштириш учун ҳар бир туманга бир нафардан агроном бириктириш ҳамда уларнинг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлигини таъминлаш тасвია этилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирилик Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўзлаштириладиган янги ер участкаларини ижарага бериш учун уларнинг қисқа мuddатларда очик электрон танловга чиқарилишини таъминласин.

9. "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти қайта фойдаланишга қиритилган ва ўзлаштирилган ерларда ҳамда бошқа экин ерларида сув тевончи технологияларни жорий қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари қурилишини таъминласин.

10. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикасини туманларида яшовчи ва тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи жисмоний шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили таъдирланадиган параметрлар доирасида қўёш фотозлектрик станциясини, қўёш сув иситиш тизимлари ва шамол электрстанцияларини қуришда бутловчи қисмларни сотиш олиш харажатларининг 30 фоизи миқдоридан, бироқ 3 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар таъдир этилади.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Халқ таълими вазирилик 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари бўйича белгиланган квоталар доирасида Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари йўналишларидаги олий таълим муассасаларига махсус қўшимча қабул квоталари ажратилишини таъминласин.

Тожикистонлик экспертлар:
«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ТАШАББУСКОРИ ВА МЕЪМОРИДИР»

Раҳмон УЛМАСОВ,
Россия — Тожикистон университети
профессори:



лар миграция соҳасида ҳамкорликдаги сибсатни олиб бориши мумкин.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар
академияси Осиеъ ва Европа
мамлакатлари институти илмий
ходими:

— Бугун Марказий Осиеъда минтақавий ҳамкорликнинг ижобий суръатда мустаҳкамланётгани Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси остида бошланган туб янгилашчилар билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган таъқи сибсат юритилаётир. Бу Тожикистон билан алоқаларда ҳам кўзга аққол ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойда Тожикистон Республикасига амалга оширган давлат таъдирини чинакам тарихий воқеа бўлди. Музокаралар якунида умумий кўп тартибдаги, хусусан, чегара, виза, транспорт, сув-энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги масалалар ўз ечимини топагани маълум қилинди.

Шу йилнинг август ойда Тожикистон Республикасининг Президенти Эмомалӣ Раҳмон Ўзбекистонга давлат таъдирини билан келди. Музокаралар мобайнида аввал эришилган келишувлар мустаҳкамланди, давлатларга алоқаларни сибсат жиҳатида янги босқичга кўтарган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил июнь ойда Тожикистонга амалга оширган расмий таъдирини ва унинг якунлари оид имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами мамлакатларимиз ҳамда кардош халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ҳамда изчил ривожлантириш, қўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ натижаларга эришиш йўлида мустаҳкам замин яратди.

Гўзал МАИТИДИНОВА,
Геоиссий таъдиркотлар маркази
директори:
— Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари бугунги кунда ўз тараққиёти-

